

ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТЛАШТИРИШДА ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИ НАТИЖАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА НАЗОРАТ МЕХАНИЗМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Умаров Умид Панжиевич

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21942377>

Давлат молиясини бошқаришнинг замонавий модели бюджет маблағларини шакллантириш ва сарфлаш жараёнида фуқароларнинг фақат ахборот олувчи эмас, балки қарор қабул қилиш жараёнининг бевосита иштирокчиси бўлишини талаб этади. Бунда бюджет очиқлиги, жамоатчилик иштироки ва жамоатчилик назорати ўзаро боғлиқ бўлиб, давлат молиясининг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминловчи институционал механизм сифатида намоён бўлади.

Ташаббусли бюджетлаштириш ушбу жараённинг энг амалий кўринишларидан бири ҳисобланади. У фуқароларга маҳаллий бюджет маблағларининг муайян қисмини қайси ижтимоий ва инфратузилмавий муаммоларни ҳал қилишга йўналтириш бўйича бевосита таъсир кўрсатиш имконини беради. Бунда фуқаро мавжуд муаммони аниқлайди, уни лойиҳа сифатида таклиф қилади, овоз бериш орқали устуворликни белгилайди ва ғолиб бўлган лойиҳанинг амалга оширилишини кузатиш имкониятига эга бўлади.

Ўзбекистонда мазкур механизмнинг институционаллашуви 2018 йилдан бошлаб босқичма-босқич амалга оширилди. “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали ташаббусларни илгари суриш, лойиҳаларга овоз бериш, ғолибларни аниқлаш ва уларнинг ижросини кузатиш имкониятлари яратилди. 2023–2025 йилларда жараённинг молиявий кўлами сезиларли кенгайган, лойиҳаларни саралаш сифати яхшиланган ва жамоатчилик назоратининг янги рақамли механизмлари шаклланган.

Шу билан бирга, ташаббусли бюджетлаштиришнинг кейинги ривожланиши фақат қанча фуқаро овоз бергани ёки нечта лойиҳа ғолиб бўлгани билан эмас, балки ажратилган маблағ қандай натижа бергани, лойиҳа ўз вақтида ва сифатли бажарилгани, аҳолининг муаммоси қай даражада ҳал этилгани ҳамда жамоатчиликнинг ижро жараёнига таъсир қилиш имконияти билан баҳоланиши зарур.

Шу нуқтаи назардан ушбу тезиснинг мақсади ташаббусли бюджетлаштиришнинг сўнгги йиллардаги асосий тенденцияларини баҳолаш, жамоатчилик иштироки ва назоратидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда жараёни натижага йўналтирилган молиявий ва рақамли механизмлар асосида такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Ўзбекистонда ташаббусли бюджетлаштиришнинг ривожланиш динамикаси фуқароларнинг бюджет жараёнига иштироки қисқа вақт ичида оммавий институционал механизмга айланганини кўрсатади.

Хусусан, 2023 йил биринчи мавсумида 55 970 та лойиҳа киритилган бўлса, 2025 йил иккинчи мавсумида бу кўрсаткич 22 263 тани ташкил этган. Бироқ айнан шу даврда ғолиблик коэффиценти 5,3 фоиздан 10,6 фоизгача ошган.

Мазкур тенденцияни фуқаролар фаоллигининг пасайиши сифатида бир томонлама баҳолаш тўғри эмас. Аксинча, ташаббусларни шакллантириш талабларининг аниқлашуви, фуқаролар ва маҳалла институтларининг тажрибаси

ошиши ҳамда лойиҳаларни тайёрлаш сифати яхшиланиши натижасида жараёнда маълум даражада “миқдордан сифатга” ўтиш кузатилмоқда.

Бу ҳолат саралаш коэффициентида ҳам яққол намоён бўлади. 2023 йил биринчи мавсумида киритилган лойиҳаларнинг 60,2 фоизи саралашдан ўтган бўлса, 2025 йил иккинчи мавсумида мазкур кўрсаткич 84 фоиздан юқори даражага етган.

Бундан ташқари, молиялаштириш кўламининг сезиларли ошгани ҳам муҳим тенденция ҳисобланади. 2021 йилда портал маълумотлари бўйича 530,5 млрд сўм ажратилган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 6,7 трлн сўмга яқинлашган. Бир ғолиб лойиҳага тўғри келувчи ўртача маблағ эса 331,8 млн сўмдан қарийб 1,4 млрд сўмгача ўсган.

Ушбу ўзгариш бир вақтнинг ўзида икки хил натижа беради. Бир томондан, фуқаролар томонидан танланган лойиҳалар маҳаллий бюджет сиёсатининг тобора муҳим таркибий қисмига айланмоқда. Иккинчи томондан, бир лойиҳа қийматининг ўсиб бориши унинг сметаси, бошланғич нархи, бажарилиш сифати ва якуний ижтимоий натижаси устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини талаб этади.

Ташаббусли бюджетлаштиришда ҳудудий фаоллик бир хил эмас. 2025 йил иккинчи мавсумда энг кўп лойиҳа Фарғона, Наманган ва Самарқанд вилоятларида киритилган. Овозлар сони бўйича эса Қашқадарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари юқори кўрсаткичларга эга бўлган.

Шу билан бирга, юқори овоз фаоллиги ҳар доим ҳам юқори ғолиблик даражасини англатмайди. Масалан, айрим ҳудудларда овозлар сони катта бўлган бўлса-да, лойиҳаларнинг ўртача қиймати ва мавжуд молиялаштириш ресурслари сабаб ғолиблик коэффициенти нисбатан паст бўлиши мумкин.

2025 йил иккинчи мавсумда ғолиблик коэффициенти Фарғона вилоятида 14,1 фоиз, Андижон вилоятида 14,0 фоиз ва Тошкент шаҳрида 13,7 фоизни ташкил этган. Сирдарё вилоятида мазкур кўрсаткич 5,4 фоиз бўлган. Бу ҳудудларни фақат умумий овозлар ёки киритилган ташаббуслар сони бўйича таққослаш етарли эмаслигини кўрсатади.

Фикримизча, келгусида ҳудудлар кесимида қуйидаги нисбий кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- 10 минг аҳолига тўғри келадиган ташаббуслар сони;
- бир маҳаллага тўғри келадиган лойиҳалар; овоз берган аҳоли улуши;
- ғолиб маҳаллалар улуши;
- ўз вақтида яқунланган лойиҳалар улуши; қаноатланиш даражаси.

Бундай ёндашув аҳолиси кўп ҳудудларни автоматик равишда юқори ўринга қўйишдан сақлайди ва ҳақиқий иштирок самарадорлигини баҳолаш имконини беради.

Ташаббусли бюджетлаштириш натижаларининг яна бир муҳим хусусияти - аҳоли талабининг муайян соҳаларда доимий концентрацияланишидир.

2023–2025 йилларда ички йўллар, умумтаълим мактаблари, ҳудудларни ободонлаштириш ва тиббиёт объектлари аҳоли томонидан энг кўп қўллаб-қувватланган йўналишлар қаторида қолган. Масалан, 2023 йил яқунларида ғолиб лойиҳалар орасида 1 605 та умумтаълим мактаби, 1 076 та ички йўл ва 595 та соғлиқни сақлаш объекти билан боғлиқ лойиҳа мавжуд бўлган. 2024 йилда ҳам мактаб, ички йўл ва тиббиёт ташкилотлари бўйича талаб юқори сақланган.

Бир томондан, бу аҳолининг ҳақиқий маҳаллий эҳтиёжларини очиб беради.

Иккинчи томондан, бир хил муаммони ҳар йили овоз бериш орқали ҳал қилишга уриниш маҳаллий инвестиция дастурлари ва ташаббусли бюджет ўртасидаги вазифаларни қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Агар муайян туман ёки маҳаллада ички йўл муаммоси кетма-кет бир неча мавсум энг кўп овоз олаётган бўлса, бу муаммо фақат ташаббусли бюджет доирасида қолиб кетмаслиги лозим.

Бундай юқори ва такрорий талаб ўрта муддатли бюджет ва ҳудудий инвестиция дастури учун автоматик сигнал сифатида қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

Шунда ташаббусли бюджет тизимли муаммоларни доимий молиялаштирувчи манба эмас, аҳолининг ечилмаган муаммоларини давлат режалаштириш тизимига етказиб берувчи “сигнал механизми” сифатида ҳам фаолият кўрсатади.

Амалда фуқароларнинг иштироки ташаббусни шакллантириш ва овоз бериш босқичларида юқори даражада. Лойиҳа порталга киритилади, саралаш натижаси эълон қилинади, овоз бериш электрон шаклда амалга оширилади ва ғолиб автоматик тарзда аниқланади. Бироқ лойиҳа ғолиб бўлганидан кейин жамоатчиликнинг реал таъсири нисбатан пасаяди. Бу ҳолат ташаббусли бюджетнинг институционал моҳияти нуқтаи назаридан муҳим.

2024 йилдан лойиҳаларнинг иш сифати ташаббускор ва маҳалла раиси томонидан баҳоланиши механизми жорий этилган. 2025 йил 1 январь ҳолатида 2024 йилдаги 4 768 та лойиҳадан 2 338 таси баҳоланган. Бу жамоатчилик иштирокининг ижро босқичига кириб бораётганини кўрсатса-да, баҳолаш қамровининг қарийб ярмини ташкил этиши мазкур механизмни янада кучайтириш зарурлигини англатади.

Фикримизча, ташаббусли бюджетлаштиришни такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири - жамоатчилик фикрининг ҳуқуқий ва молиявий таъсирини кучайтиришдир. Агар жамоатчилик баҳоси фақат порталда “норози” белгиси кўринишида қолса, унинг амалий таъсири чекланган бўлади. Бу механизм жамоатчилик назоратини формал кузатувдан молиявий аҳамиятга эга назорат воситасига айлантиради.

Ҳозирги амалиётда лойиҳа натижаси кўп ҳолларда унинг қуриб битказилгани ёки таъмирлангани билан ифодаланади. Лекин бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш учун бу етарли эмас. Шу сабабли ташаббусли бюджетда пост-лойиҳа мониторингини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқиб, фикримизча қуйидаги йўналишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

1. Ташаббусли бюджетни молиялаштиришнинг минимал кафолатланган даражасини таъминлаш. Ҳар бир туман ва шаҳарда иштирок этаётган маҳаллалар сонидан келиб чиқиб, муайян минимал миқдордаги лойиҳаларни молиялаштириш учун маблағ режалаштирилиши зарур. Бу айрим ҳудудларда ғолиблик эҳтимолининг ҳаддан ташқари пасайиб кетишини чеклайди ва фуқароларнинг жараёнга ишончини мустаҳкамлайди.

2. Давлат, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг шериклик асосида молиялаштириш механизмларини кенгайтириш. Лойиҳа қийматининг муайян қисмини маҳалла аҳолиси, ҳомий ёки тадбиркор ихтиёрий равишда молиялаштиради, қолган

қисми бюджет маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин. Бу бюджет ресурсларини кўпайтириш билан бирга аҳолининг лойиҳа натижасига дахлдорлик ҳиссини ҳам кучайтиради.

3. Якунланган объектларни жамоатчилик розилигидан кейин қабул қилиш механизмини кучайтириш. Ташаббускор, маҳалла вакили ва фойдаланувчиларнинг баҳоси техник қабул жараёни билан интеграция қилиниши лозим. Аниқланган асосланган камчиликлар бартараф этилмасдан якуний ҳисоб-китобни тўлиқ амалга ошириш мақсадга мувофиқ эмас.

4. “Open Budget Performance Dashboard” — натижадорлик панели жорий этиш. Порталда лойиҳанинг молиявий ва физик ижроси, пудратчи, муддат, жамоатчилик баҳоси ва натижа кўрсаткичлари ягона рақамли паспортда жамланиши лозим.

5. Худудларни абсолют овозлар эмас, нисбий натижадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш. Аҳоли сони, маҳаллалар сони, саралаш коэффициенти, ғолиб маҳаллалар улуши, ижро муддати ва аҳоли қаноатланишини бирлаштирувчи рейтингдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

6. Юқори талабга эга соҳаларни ўрта муддатли бюджет режалаштиришига интеграция қилиш. Муайян йўл, мактаб ёки тиббиёт муаммоси бир неча мавсум давомида такрорий равишда юқори овоз олса, ушбу муаммо кейинги йилда худудий инвестиция дастури учун устувор йўналиш сифатида шакллантирилиши керак.

7. Лойиҳаларни автоматлаштирилган риск таҳлили асосида саралаш.

Ахборот тизими:

- такрорий лойиҳаларни;
- бир объектнинг қайта-қайта молиялаштирилишини;
- асоссиз юқори қийматни;
- етишмайдиган техник ҳужжатларни;
- ваколат доирасига кирмайдиган ташаббусларни автоматик аниқлаб, ишчи комиссияга риск сигнали бериши мумкин.

Бу автоматик сигнал якуний қарор эмас, балки қарор қабул қилиш сифатини оширувчи таҳлилий восита бўлиши лозим.

8. Пост-лойиҳа мониторингини жорий этиш.

Объект фойдаланишга топширилганидан 6 ва 12 ой ўтгач, унинг ҳолати, хизмат сифати, аҳоли қамрови ва сақлаш харажатлари баҳоланиши керак. Бу маълумотлар келгуси лойиҳаларни саралаш ва пудратчилар рейтингини шакллантиришда ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда ташаббусли бюджетлаштириш фуқароларни маҳаллий бюджет маблағларини тақсимлаш жараёнига жалб этувчи барқарор институтга айланди. 2021–2025 йилларда ғолиб лойиҳалар ва уларни молиялаштириш ҳажмининг сезиларли ўсиши ташаббусли бюджетнинг маҳаллий давлат молиясидаги иқтисодий аҳамияти кучайганини кўрсатади.

Шу билан бирга, кейинги босқичда жараённи фақат киритилган ташаббуслар, овозлар ва ғолиблар сони орқали баҳолаш етарли эмас. Ташаббусли бюджетлаштириш миқдорий иштирок моделидан натижага йўналтирилган иштирок моделига ўтиши лозим.

Фикримизча, ташаббусли бюджетнинг келгуси ривожланиш модели учта асосий тамойилга таяниши керак:

- “овоздан - натижага;
- очиқликдан - таъсирчан назоратга;
- лойиҳани молиялаштиришдан - аҳоли муаммосини ҳал қилишга”.

Мазкур ёндашув асосида минимал молиялаштириш кафолати, шериклик молиялаштириши, объектларни жамоатчилик иштирокида қабул қилиш, рақамли лойиҳа паспорти, риск-индикаторлар, ҳудудий натижадорлик рейтинги ва пост-лойиҳа мониторингининг комплекс жорий этилиши ташаббусли бюджетнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий самарадорлигини оширади.

Натижада ташаббусли бюджетлаштириш фақат аҳолининг лойиҳаларга овоз бериш механизми бўлиб қолмай, балки маҳаллий бюджет маблағларини режалаштириш, тақсимлаш, сарфлаш ва натижаларини назорат қилишда жамоатчилик иштирокини таъминловчи тўлиқ рақамли бошқарув институтига айланади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2024 йил 30 январдаги КҚ-666-IV-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2025 йил 17 декабрдаги КҚ-280-V-сон қарори.
3. Gonçalves S. The Effects of Participatory Budgeting on Municipal Expenditures and Infant Mortality in Brazil // *World Development*. – 2014. – Vol. 53. – P. 94–110.
4. Touchton M., Wampler B. Improving Social Well-Being Through New Democratic Institutions // *Comparative Political Studies*. – 2014. – Vol. 47, No. 10.
5. OECD. *OECD Guidelines for Citizen Participation Processes*. – Paris: OECD Publishing, 2022.
6. International Budget Partnership. *Open Budget Survey 2023*. – Washington, DC: IBP, 2024.
7. UNDP Uzbekistan. *Ўзбекистонда ташаббусли бюджет амалиёти шарҳи*. – Тошкент: БМТ Тараққиёт дастури, 2024.
8. Ўроқов У.Ю. *Фуқаролар иштирокидаги маҳаллий бюджет*. – Тошкент: UNDP, 2022. – 220 б.
9. Ўроқов У.Ю. *Ташаббусли бюджетлаштириш. Ўқув қўлланма*. – Тошкент, 2025. – 232 б.